

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.G.01.06  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА ТУЗИЛГАН БИР  
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
БУХОРО ФИЛИАЛИ**

**ТЎХТАЕВА ХАБИБА ТОШЕВНА**

**МАҲАЛЛИЙ СУВ МАНБАЛАРИДАН РАЦИОНАЛ  
Фойдаланиш асосида чўлланишга қарши кураш  
(Марказий Қизилқум мисолида)**

**11.00.05 – Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий  
ресурслардан оқилона фойдаланиш**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2018**

**Фалсафа (PhD) доктори диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Тўхтаева Хабиба Тошевна**

Маҳаллий сув манбаларидан рационал фойдаланиш асосида чўлланишга қарши кураш (Марказий Қизилкум мисолида).....3

**Тухтаева Хабиба Ташевна**

Борьба с опустыниванием путем рационального использования местных водных ресурсов (на примере Центрального Кызылкума).....18

**Tokhtaeva Khabiba Toshevna**

Fight from desertification by way of the rational use local water resource (on example Central Kyzylkum).....33

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.G.01.06  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА ТУЗИЛГАН БИР  
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
БУХОРО ФИЛИАЛИ**

**ТЎХТАЕВА ХАБИБА ТОШЕВНА**

**МАҲАЛЛИЙ СУВ МАНБАЛАРИДАН РАЦИОНАЛ  
Фойдаланиш асосида чўлланишга қарши кураш  
(Марказий Қизилқум мисолида)**

**11.00.05 – Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий  
ресурслардан оқилона фойдаланиш**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Gr44 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Бухоро филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз-резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (nauka@nuu.uz) ва «Ziyounet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Сабитова Наила Исмаиловна**  
география фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Чембарисов Эльмир Исмаилович**  
география фанлари доктори

**Назаров Абдуғаффор Абдумажидович**  
география фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Қорақалпоқ Давлат университети**

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.G.01.06 рақамли Илмий кенгаш асосида тузилган бир марталик илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_» \_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99824) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: ikgeografiya.nuuz@mail.ru. Ўзбекистон Миллий университети, География ва табиий ресурслар факультети)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.:(+99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2018йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2018йил «\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_-рақамли реестр баённомаси).

**О.Б. Ага-Мирзаев**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

**Ш.М.Шарипов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш илмий котиби, г.ф.н., доцент

**А.А.Қаюмов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий  
кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар  
раиси, г.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон аҳолисининг кўпайиб бориши билан унинг сув ресурсларига бўлган талабининг ўсиб бориши, ўз навбатида, сув ресурсларини бошқаришни, ундан фойдаланиш усулларини такомиллаштиришнинг тобора муҳим аҳамият касб этаётганлигидан далолат бермоқда. «Давлатлар минтақа олдида турган экологик муаммоларни англаган ҳолда, сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш орқали, самарадорликни ошириш ҳамда сувдан фойдаланишни қисқартиришга қаратилган саъйи ҳаракатларга алоҳида эътибор қаратишлари лозим»<sup>1</sup>. Бу ҳолат суғориладиган ерларнинг асосий қисми жойлашган қурғоқчил минтақалар ва улар қа торида Ўзбекистон чўл ҳудудларида сув манбаларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш, чўлланишга қарши курашиш йўллари илмий тадқиқотлар асосида такомиллаштиришни тақозо этади.

Дунёнинг арид минтақаларида содир бўлаётган чўлланиш жараёнларига қарши курашиш маълум вақтларда такрорланиб турадиган қурғоқчилик ҳодисасини юмшатиш, чўл геотизимларининг экологик ҳолатини оптималлаштириш, табиатни муҳофаза қилиш ва барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашнинг илмий асосларини яратишни талаб этмоқда. Арид минтақаларда чўлланиш бўйича табиий географик тадқиқотларни амалга оширишда маҳаллий сув манбаларидан рационал фойдаланишни ташкил этиш ва суғорма деҳқончиликни ривожлантириш мақсадидаги тадқиқот ишларига эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда чўлланиш даражаси, ўсимликлар қопламанинг камайиши, қумли чўллардаги дефляция, сув эрозияси, Орол денгизининг куриши туфайли тупроқларнинг шўрланиши, суғориладиган ерларда шўрланиш, техноген чўлланиш, яйловлар маҳсулдорлигини ошириш бўйича бир катор ютуқларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “янги ичимлик суви тармоқларини куриш, тежамкор ва самарали замонавий технологияларни босқичма-босқич жорий этиш орқали қишлоқ жойларда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни тубдан яхшилаш, атроф-табиий муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларнинг олдини олиш”<sup>2</sup> каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, Марказий Қизилқумда маҳаллий сув манбаларини йиғиш, сақлаш ва фойдаланиш усулларини такомиллаштириш орқали чўлланиш каби экологик муаммоларнинг олдини олишга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

<sup>1</sup><http://www.unde.uz/registry@undr.org>

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон. [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=3107036](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3107036)

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Ижтимоий соҳани ривожлантириш» йўналиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрдаги ПҚ-3405-сон “2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Чўл геотизимлари ва уларнинг экологик муаммоларини ўрганишнинг назарий-услубий асослари хорижлик олимлар (В.Вайсман, Ф.Пирс, М.Гланц, Ж.Ниуль, Р.Фергюсон, Ю.Шуттер, Л.Перейра, Д.Кайзер, Т.Сайко, С.Брук, Д.Катшера, И.Кобори) ва МДҲ мамлакатлари олимлари (А.Обревиль, А.Г.Бабаев, В.А.Ковда, Б.Г.Розанов, Т.Н.Нечаева, В.Н.Кунин) ишларида келтирилган.

Қизилқумни геоэкологик ўрганишнинг назарий ва умумий методологик масалалари Л.Н.Бабушкин, Н.А.Когай, Э.Д.Мамедов, М.П.Петров, Л.Алибеков, М.Маматкулов, А.А.Рафиқов, А.А.Абулқосимов, А.Ниғматов, С.Б.Аббасов, Н.Р.Ҳамраев, Ю.М.Денисов, С.А.Азимбоев, Л.П.Пейдо, П.Н.Ғуломов, И.Қ.Назаров, Ф.Ҳ.Ҳикматов, Н.И.Сабитова, Б.А.Бахритдинов, В.А.Рафиқов ва бошқа қатор олимлар томонидан ўрганилган.

Марказий Қизилқумда табиий ресурслардан фойдаланиш масаласига кўпгина ишлар бағишланган, лекин унинг маҳаллий сув манбалари ва чўлланиш муаммоларини ҳал этиш бўйича илмий ишлар бажарилмаган.

Бирок, юқоридаги тадқиқотларнинг кўпчилигида илмий ишлар аввалги режали иқтисодиёт тизими доирасида бажарилган бўлиб, улар сув манбаларига бўлган эҳтиёжнинг ортиши нуктаи назаридан бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Бинобарин, мазкур диссертацияда, чўлланишга мойил ҳудудларнинг сув имкониятлари ўрганилди ва ушбу мавзу айнан шу жиҳати билан юқорида келтирилган илмий ишлардан фарқ қилади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Ирригация ва Сув муаммолари илмий-тадқиқот институти тадқиқот ишлари режасининг №11.2.8 рақамли “Чўлни ривожлантиришда маҳаллий сувлардан оқилона фойдаланиш (Қизилқум мисолида)” (2002-2007йй.), АҚШ Қишлоқ хўжалиги департаменти томонидан берилган UB-ARS- 11B- 2002 “Чўлнинг маҳаллий сув ресурсларидан фойдаланиб локал суғориш тизимини ривожлантириш” (2002-

2006 йй.) Ўзбекистон Фанлар Академияси Сейсмология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-А7-Т041 “Ўзбекистон арид зонаси чўллашиш харитасини тузиш ва мамлакат экологик хавфсизлигини таъминлаш йўлида чўллашишнинг олдини олиш чора-тадбирлари” (2015-2017 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Марказий Қизилқумда чўлланишга қарши курашишда маҳаллий сув манбаларидан рационал фойдаланиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Марказий Қизилқумда мавжуд сув заҳираларидан суғорма деҳқончиликда фойдаланиш имкониятларини табиий географик асослаш;  
вақтинча оқар сувларни йиғиш, ҳажмини аниқлаш, сақлаш ва улардан унумдор ерларда фойдаланиш усулларини такомиллаштириш;

Марказий Қизилқумдаги сув йиғилувчи ҳавзаларнинг чегараларини рельеф пластика картаси асосида аниқлаш ва районларга ажратиш;

чўлланишга қарши курашишда маҳаллий сув манбаларидан фойдаланиш асосида лиман ва локал суғориш тизимларини яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** Марказий Қизилқум маҳаллий сув манбалари ва вақтинча оқар сув ҳавзалари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** сув ҳавзаларидаги вақтинча оқар сувлар, атмосфера ёғинларини тўплаш ва сақлаш усуллари, чўлланиш омиллари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда дала-тадқиқот, лаборатория-аналитик, рельеф пластикаси, қиёсий, картографик, географик ўхшашлик, статистик усуллар ҳамда ҳавзали ва экологик ёндашувлардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

Марказий Қизилқумда атмосфера ёғинларининг ҳудудий тақсимланиши ва вақтинча оқар сувлар ҳажми асосида вақтинча оқар сувлар йиғилувчи ҳавзалар аниқланган ва районлаштириш харитаси яратилган;

чўл шароитида атмосфера ёғинларини йиғиш (очиқ сув ҳавзалари ва сув омборлари), сақлаш (очиқ ва ёпиқ гидротехник иншоотлар) ва оқилона фойдаланишни (суғориш ва сув билан таъминлаш) ҳавза элементларини шаклланиш, транзит ва аккумуляция зоналарини аниқлаш асосида такомиллаштирилган;

илк бор Марказий Қизилқумдаги вақтинча оқар сув ҳавзалари асосида оқим ҳосил бўлмайдиган, бир тарафлама қиялик асосида вақтинча оқим ҳосил бўладиган ва икки тарафлама қиялик асосида оқим ҳосил бўладиган районлар ажратилган;

чўлланишни олдини олиш мақсадида сув манбалари мавжуд ҳудудларда суғорма деҳқончиликни ривожлантириш учун суғоришнинг локал ва лиман тизимлари такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Марказий Қизилқумда атмосфера ёғинларининг ҳудудий тақсимланиши асосида сув йиғилувчи ҳавзалар хариталаштирилган ва оқим ҳажми аниқланган;

вақтинча оқар сувларнинг шаклланиши атмосфера ёғинларининг миқдорига боғлиқлиги туфайли уларни гилли текислик, тоғолди ва пастқам ерларда йиғиш ва сақлаш усуллари қўлланилган;

Марказий Қизилқумдаги вақтинча оқар сув ҳавзаларининг рельеф пластикаси методи асосида ажратилган районлари, картаси яратилган;

чўлланишга қарши курашиш бўйича, маҳаллий сув манбаларидан фойдаланиш асосида, локал ва лиман суғориш тизимларини шакллантириш усуллари яратишнинг ечимига оид илмий-амалий таклиф ва тавсиялар берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг Бухоро ва Навоий вилоятлари бўлими, Сув хўжалиги бошқармаси, Қўйи Зарафшон ирригация тизими ҳавза бошқармаси ҳамда Давргеодезкадастр давлат қўмитаси маълумотларидан фойдаланилгани, муаллифнинг дала-тадқиқотлари асосида яратилган карталар, суғориш тизимларини шакллантириш усуллари, таклиф ва тавсиялари амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Марказий Қизилқумнинг маҳаллий сув манбаларини лаборатория-аналитик ва рельеф пластикаси усуллари ёрдамида тадқиқ этишда ҳавзали ва экологик ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланилиши билан изоҳланади

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, аввало, олинган асосий хулоса ва тавсиялардан Марказий Қизилқумда чўлланишнинг олдини олиш ва ривожлантириш стратегияси ҳамда дастурларини ишлаб чиқишга, шунингдек, республика олий таълим тизими тегишли йўналишларида ўқув жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Марказий Қизилқумда маҳаллий сув манбаларидан рационал фойдаланиш асосида чўлланишга қарши курашиш бўйича олинган натижалар асосида:

Марказий Қизилқумда шаклланидиган вақтинча оқар сувларнинг ҳажми, уларнинг шаклланиши ва йиғилишини тасвирловчи хариталар Қўйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси амалиётига жорий этилган (Қўйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг 2018 йил 09 мартдаги №01-03-105/3-сон маълумотномаси). Натижада Конимех туманида янги ерларни суғориш имконини берган;

Марказий Қизилқумда атмосфера ёғинларини йиғиш, сақлаш ва ер-сув захираларидан оқилона фойдаланишнинг такомиллаштирилган усуллари Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг 2018 йил 12 мартдаги 03-03/2-1716 сон маълумотномаси). Натижада маҳаллий аҳолининг экологик муҳитини яхшилаш ва сифатли тоза ичимлик суви билан таъминлаш имконини берган.



Марказий Қизилқумдаги вақтинча оқар сувлар йиғилувчи ҳавзаларни районлаштириш харитаси Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг 2018 йил 12 мартдаги 03-03/2-1716 сон маълумотномаси). Натижада Қизилқум геотизимларининг чегаралари аниқлигини ошириш имконини берган;

Чўл ҳудудида суғорма деҳқончилик қилиш учун яроқли бўлган ерларда локал ва лиман суғориш тизимларининг такомиллаштирилган усуллари Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси амалиётига жорий этилган (Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг 2018 йил 09 мартдаги №01-03-105/3-сон маълумотномаси). Натижада Конимех тумани “Қариқата” ширкат хўжалигида 10 гектар ерда суғорма деҳқончиликни ривожлантириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 19 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 38 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баҳоланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Марказий Қизилқум геосистемаларининг маҳаллий сув ресурсларидан фойдаланишнинг илмий-назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида Марказий Қизилқумнинг географик жойлашув ўрни, табиий шароити, иқлим хусусияти ва маҳаллий сув манбалари ўрганилган. Чўлланиш ва қурғоқчиликни тадқиқ қилишнинг назарий-услубий асослари таҳлил қилинган. Марказий Қизилқумнинг геологик-геоморфологик тузилиши, тупроқ-ўсимлик қоплами, йиллик ҳарорати, йиллик ёғин миқдори билан бошқа чўллардан фарқ қиладиган жиҳатлари кўрсатилган. Чўл геотизимларини вужудга келиши ва


ривожланиши палеозой қолдиқ тоғларининг пайдо бўлиши, мезозойнинг тоғ олди платолари ҳамда кайнозойнинг тўртламчи давр юпқа ётқизикларини шаклланиши билан белгиланади. Вақтинча оқар сой ва ўзанларнинг юзага келишига эса пролювиал шлейфларда уяли-грядали қумлар мавжудлиги асос бўлган.

Марказий Қизилқумнинг маҳаллий сув ресурсларини ўрганиш метод ёки усуллар, ёндашувлар ёрдамида амалга оширилади. Бунда киёсий, географик ўхшашлик, картографик, районлаштириш каби усулларнинг назарий-услубий аҳамияти катта. Айни вақтда ҳавзали ва экологик ёндашув ўрганиладиган воқеанинг келажаги, истиқбол ривожланишидаги устувор йўналишларни илмий нуқтаи назардан асослаб беришга хизмат қилади. Ҳудудда буғланиш миқдори ёғин миқдоридан юқори бўлганлиги учун деҳқончилик сунъий суғориш асосида амалга оширилиши белгиланди.

Марказий Қизилқумни маҳаллий сув манбаларидан рационал фойдаланишнинг илмий ғоя ва қонуниятларни, республикамиз шароити ва бозор муносабатларини ҳисобга олган ҳолда, танқидий ўрганиш ва амалиётга тадбиқ этиш илмий ишнинг назарий жиҳатларини мустаҳкамлайди.

Диссертациянинг «**Марказий Қизилқумда вақтинча оқар сувларнинг шаклланишини белгиловчи табиий географик омиллар**» деб номланган иккинчи бобида атмосфера ёғинлари, оқим ҳосил бўлиш шакллари, тупроқ ва ўсимлик қоплами, гидрогеологик шароити дала тадқиқотлари асосида ўрганилган. Ёғин миқдорининг ҳудуд бўйича таксимланиши, ҳароратнинг йиллик ўзгаришлари таҳлил қилинган. Оқим ҳосил бўлишида рельеф ва сув йиғувчи ҳавзанинг ўлчами, иқлим (ёмғир ва қор), тупроқ қоплами ва геоботаник ҳамда гидрогеологик омиллар асос бўлиши белгиланди. Ёғин миқдори Қизилқумда жойлашган Оқбайтал, Кўлқудуқ, Бузовбой, Томди, Машиқудуқ метеостанцияларидан олинган маълумотлар асосида графикда тасвирланган. (1-расм).

Марказий Қизилқумда бир йиллик ўртача ёғин миқдори 108-138 мм атрофида бўлади. Тоғ ёнбағирларида ўртача йиллик ёғин миқдори 202-238мм. ни ташкил этади. Машиқудуқда бошқа ҳудудларга нисбатан бир оз кўпроқ, яъни 140мм. ни ташкил этади. Бунга маҳаллий рельеф шароити сабаб бўлган.



**1-расм. Ёғиннинг умумий миқдори (мм.ҳис.)**

График Қизилқумдаги метеостанциялар маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Маҳаллий сувларнинг тўпланиши учун тақир ва тақирсимон тупроқларнинг ўрни алоҳида қайд этилган. Тақирларда йилнинг намли даврида бир маротабадан тўрт маротабагача сув тўпланиши кузатилган ва 1 км<sup>2</sup> ўлчамдаги тақирда йил давомида 15 минг м<sup>3</sup> сув йиғилиши аниқланган. Тажриба майдонидаги Маданият ва Қариқота фермер хўжаликлари тупроқларининг механик ва сувли-сўрим таркиби, кимёвий таҳлили аниқланди. Асосан, қумли-чўл тупроғи тарқалган ерларда локал суғориш тизимидан фойдаланиб экинлар экиш суғорма деҳқончилиқни ривожлантириш имконини беради.

Ўсимликларнинг географик тарқалиши ва уларнинг вақтинча оқар сувларни тўпланишидаги роли, қолдиқ тоғларда ўсимликларнинг ўзига хос баландлик бўйича минтақаланиши аниқланган. Ўсимликлар тури билвосита грунт сувларининг чуқурлиги, тупроқларнинг намлиги ҳақида маълумот беради. Чўл ўсимликларини рельеф, иқлим, табиий географик шароитдан ва тупроқларнинг мелиоратив ҳолатидан келиб чиқиб, қуйидаги турларга ажратилди: 1. Тошли чўл ўсимликлари 2. Қумли чўл ўсимликлари. 3. Гилли чўл ўсимликлари. 4. Шўрхоқ чўл ўсимликлари.

Марказий Қизилқумнинг ер ости сувлари гидрогеологларнинг ишлари ҳамда дала тажрибаларининг таҳлили натижаларига асосланиб тадқиқ қилинган. Қариқота тажриба майдонидаги ўзи отилиб чиқадиган №1, №3, №17, №18чи артезиан қудуқларининг сувларини минераллашуви 1,85-4,05 г/л. бўлиши экинларни суғоришга яроқли деб ҳисобланди. Ер ости сувларининг захираси 836,37 минг м<sup>3</sup>/сут, шундан тасдиқлангани 516,79 минг м<sup>3</sup>/сут. га тенг бўлиб, 2 минг гектардан 5 минг гектаргача бўлган ерларда локал суғориш тизимларини ривожлантириш имконини беради.

Диссертациянинг «**Марказий Қизилқумда вақтинча оқар сув ҳавзаларини районлаштириш**» деб номланган учинчи бобда рельеф пластикаси методи асосида Марказий Қизилқумнинг вақтинча оқар сув ҳавзаларини, атмосфера ёғинларининг ҳажмини аниқлаш усуллари ҳамда сув йиғилувчи ҳавзаларни районлаштириш харитаси ишлаб чиқилган. Натижада сув йиғилувчи ҳавзаларнинг чегаралари аниқланиб, ўзига хос геометрик шаклларни ҳосил қилган баландлик ва пастликлар тасвирланган. Бунда структуранинг аниқ кўрсатилиши, табиий географик компонентларнинг рельеф билан боғлиқ жараёнларини ўрганиш учун асос бўлади. Жумладан, ер юзасининг тартиб билан генетик томондан асосланган тизимли тузилишини, тупроқ қатлами, литодинамик ва геохимик оқимлар йўналишини акс эттириш имконини беради. Рельеф пластика картаси орқали ёғиннинг интенсивлигига қараб сувнинг оқиш тезлигини, ҳавзаларнинг кенлиги, узунлиги, сув йиғилиш майдонларини белгилашда қулайлик яратади.

Вақтинча юза оқар сувлардан самарали фойдаланиш даражасини ошириш учун бу оқимнинг тартиби ва шаклланиш шароитларини ўрганиш ҳақида илмий адабиётларда маълумотлар етарли эмас. Вақтинча юза оқар сувларнинг маълум бир ҳудудларда йиғилиш жараёнларини ўрганиш, уларни сақлаш ва фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Марказий Қизилқумда оқим ҳосил қиладиган ёмғир ва қорнинг умумий миқдори 21,4-34,7% бўлиб, шундан 3-5 мм ли ёғинлар 12,7-23,7% ни, 5-10 мм ли ёғинлар 8,5- 14,5% ни, 20 мм ли ёғинлар эса 2% ни ташкил этади. Асосий ёғинлар (3-5мм)нинг максимал миқдори феврал-апрел ойлари оралиғига, минимал миқдори июль-август ойларига тўғри келади. Бундай миқдордаги ёғинлар 1 йилда ўртача 3-15 маротабагача, 5 мм ли ёғинлар 3-8 маротабагача рўй беради. Йил давомида оқим ҳосил қиладиган ёмғирларнинг тақсимланиши қуйидагича: 1 мм ли 50-63%, 5мм ли 24-44%, 10 мм ли 3-17% йиллик ёғинлар ҳисобидан тушади.

Тақир ва тақирсимон ерлардаги сув йиғилувчи ҳавзаларда вақтинча оқар сувнинг шаклланиш шароитларига, алмашилиш ҳолатига кўра кирим, чиқим ва фойдаланиладиган қисмларга бўлинди. Сув йиғилувчи ҳавзалардаги барча кирим қисми сув балансининг филтрация ва буғланишга сарф бўлишини олдини олиш учун хўжалик мақсадларида ишлатиш ва уни бошқариш ва сунъий йўналтириш натижасида энергия ва меҳнат ресурсларини кам сарф этиб, керакли юза оқар сув ресурсларини олиш мумкин. Сув йиғиладиган ҳавзалардаги вақтинча оқар сувлар ҳаракатини 3 та зонага: 1. Оқимнинг шаклланиш зонаси; 2. Оқимнинг транзит зонаси; 3. Оқимнинг йиғилиш зонасига тақсимладик.

Вақтинча оқар сувларни Н. М. Алюшинский ишлаб чиққан схемага биноан, 3та ҳар-хил оқим ҳосил бўладиган ҳавзаларда: тақирсимон ерларда, гилли тупроқ қатламли паст тоғларда, пасттоғ оралиғи текисликларида ҳисобласа бўлади.

Қулжуктов ва Овминзатов тоғлари оралиғи текисликларидаги 270 км<sup>2</sup> майдонда ёғин 10 мм, тезлиги 0,05 мм/мин бўлса, механик таркибида лойқа чўқиндиси бор грунтли ҳудудда 518 минг м<sup>3</sup> сув йиғилади. Шу ҳудудда ёғин тезлиги 0,1 мм/мин бўлса, 1296 минг м<sup>3</sup> сув йиғилиши аниқланди.


Тадқиқотлар натижасида Марказий Қизилқумда сув йиғилувчи ҳавзаларни рельеф пластикаси методи асосида уч районга ажратилди (2-расм):

1. Вақтинча оқар сувлар оқими мавжуд бўлмаган район. Тупроқ қатлами кумли ва қумоқлардан иборат, ер ости сувлари кучли шўрланган, қиялиги 0-5 градусгача бўлиб, бу ерда 15мм. ёғин ёғсада оқим ҳосил бўлмайди;

2. Вақтинча оқар сувлар бир тарафлама қиялик асосида йиғилувчи район. Ёғинлар вақтида 15% қум, гилли тупроқлар тарқалган ерларда 5мм.ли ёғин 0,075 мм/мин. интенсивлик билан бошланади. Нам ерларда эса 5мм. ёғин 0,01 мм/мин тезлик ҳосил қиладди. Бир тарафли қиялик 5<sup>0</sup> дан кўпроқ, вақтинча оқар сувлар бир тарафлама қияликда ҳосил бўла бошлайди;

3. Вақтинча оқар сувлар икки тарафлама қиялик асосида йиғилувчи район. Икки тарафламали қиялик 5<sup>0</sup> дан кўп. Тупроқ қатлами гилсимон ва гилли чўқиндилардан ташкил топган. Бу ер тақир бўлиб, вақтинча оқар сувлар ҳосил бўлиши учун жуда қулай. Бу ҳудудда бир маротаба 5мм. ёғин ёққанида 0,075 мм/мин интенсивлик билан вақтинча оқар сув ҳосил бўла бошлайди. Қумли тупроқ намлиги 15% га эга бўлса, гилли тупроқда эса ёғин 0,01 мм/мин. тезликда ҳосил бўлиши кузатилади.





2-расм. Марказий Қизилқум вақтинча оқар сув хавзаларини районлаштириш харитаси

Диссертацияни «Марказий Қизилқумнинг маҳаллий сув манбаларидан рационал фойдаланиш асосида чўлланишни олдини олиш истиқболлари» деб номланган тўртинчи бобида сув ресурсларидан фойдаланишнинг самарадор усуллари ва ҳудуд учун мос суғориш тизимларини такомиллаштириш истиқболлари баён этилган.

Марказий Қизилқумда ёмғир сувларини катта майдонда йиғиш, миқдори ва сифатини сақлаш техник жиҳатдан мураккабдир. Шунинг учун йиғиладиган сувлардан рационал фойдаланишда халқ анъанавий усулларидан фойдаланиш ва уларни такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Тақирлар ўртасида 1,5–2 м чуқурликдаги ҳовузча (**каак, қоқ**)лар, чуқурлиги 25-30 м қазилган қудуқлар (**чирлилар**), сардобалар баҳор вақтидаги йиғилган заҳира сувларини июль ойининг охиригача сақлайди. Табиийки, бу қудуқдаги сувлар исиб кетмайди, буғланмайди ва чўллардаги сувлардан тўлиқ фойдаланишни таъминлайди, қурғоқчилик шароитида сувдан рационал фойдаланиш имкониятини беради.

Шўр сувлар устида сузиб юрувчи, сунъий равишда ташкил этилган чучук грунт сувларини яратиш усулида атмосфера ёғинларидан ҳосил бўлган чучук сув линзаси табиий коллектор-сақловчи қурилмага туширилади. Бу гидротехник қурилмада чучук сув захираси 100 минг м<sup>3</sup> гача етади.

Марказий Қизилқум тоғларида атмосфера ёғинларини “шимиб олувчи” тоғ жинсларида кенг тарқалган ёриқ-карст сувлари ҳам чўл зонаси учун муҳим сув манбаси бўла олади. Улар 23 метрдан 750 метргача бўлган чуқурликларда жойлашган бўлиб, бурғулар (скважина) билан бурғуланса (чуқурлаш) истеъмол қилиш учун яхши сифатга эга бўлган сувлар отилиб чиқади. Марказий Қизилқумдаги тектоник ёриқ-карст сувлари ҳам келажакда чўлланишга қарши курашда муҳим сув манбаси бўла олади.

Қорахотин, Оёқоғитма, Бешбулоқ, Тубелексой, Мингбулоқ каби ботиқларининг чекка ён томонларида кўплаб қатламлараро сувлар булоқ шаклида чиқиб ётади.

Сувининг ҳажми ва ҳарорати билан бир-биридан фарқ қилади. Айрим булоқларнинг сув ҳажми 35 л/с дан 100 л/с гача етади. Бу артезиан сувлардан чорвачиликда, яйловларни сув билан таъминлашда, ем-хашак ва полиз экинларини етиштиришда фойдаланилиш имкони бор (1-жадвал). Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, қишлоқ хўжалиги экинларини ўсишида артезиан сувлари билан суғориш яхши натижа берди. Мавжуд ер ва сув захираларидан 2минг гектардан 5минг гектаргача бўлган ерларда локал суғориш тизимларини ривожлантириш мумкин.

Марказий Қизилқумда чўлланишга қарши курашда фитомелиорациянинг ўрни алоҳида қайд этилди. Йиллик ёғин – сочин миқдори 100-200 мм бўлган жойларда саксовулдан ҳимоя ўрмон полосаларини ўтказиш натижасида ҳавонинг нисбий намлигини ошириш имконини берди. Ҳатто ҳосилдорлик кам йиллари ҳам саксовул ўрмон полосаларида эфемерларнинг озуқа массаси очик яйловларга нисбатан 14-

18%га ортган. Саксовул ўрмон полосалари дефляция (шамол эрозияси)ни камайишига олиб келиши мумкин.

### Марказий Қизилқумнинг сув захиралари

#### 1-жадвал

№	Жойлашган ўрни	Паст тоғлар	Тоғ олди текислиги	Тоғ оралиғи текислиги	Тақир	Ботиқ	Эол қумлиги	Жами
1.	Булоқ	12	18	12	-	16	-	58
2.	Қудуқ	35	23	-	-	38	102	198
3.	Артезиан қудуқ	25	20	-	-	16	10	74
4.	Қоқ, чирли	-	-	-	8	-	-	8
5	Сардоба	-	4	-	-	3	-	7
6	Сув йиғилувчи ҳавзалар	36	17	13	-	20	-	86

Жадвал муаллифнинг маълумотлари асосида тайёрланган, 2016 й.

Лиман суғориш тизими баҳорги вақтда тоғли ҳудуддан кучли интенсивликда ёғадган ёмғирдан ҳосил бўлган вақтинча оқар сув оқими тоғ олди текислигида сунъий тўғон орқали секинлаштирилади. Тиндирилган лойқа оқизикли ҳудудларга бошоқли экинлар экиб ҳосил олинади. Ана шу усулдан Марказий Қизилқум тоғ олди текисликларида фойдаланиш тавсия этилди.

Яқин Шарқда вақтинча оқар сувлардан моҳирлик билан фойдаланиш натижасида барқарор ҳосил олинмоқда. Бунга йиллик ёғин миқдори 80мм дан ошмаган вақтда ҳам қадимги суғориш тизимидан унумли фойдаланиш орқали эришилмоқда. Шунини таъкидлаш жоизки, Марказий Қизилқумда ёғин миқдори икки баробар кўп. Демак, вақтинча юза оқар сув оқимини бошқаришнинг бу усулидан Марказий Қизилқумда чўлланиш жараёнига қарши курашда кенг фойдаланиш мумкин.

Кейинги вақтларда модернизациялашган (замонавийлаштирилган) суғориш усули билан Иордания, Исроил, Саудия Арабистони ва бошқа мамлакатларда амалга оширилмоқда. Чунки вақтинча юза оқар сув оқимидан фойдаланишнинг бу усули кўп капитал сарфлашни талаб қилмайди ва техник жиҳатдан нисбатан оддийлиги билан ажралиб туради.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, Марказий Қизилқумда маҳаллий сув манбаларидан рационал фойдаланиш асосида чўлланишга қарши чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилди ва аниқланган муаммоларни бартараф этишнинг истиқболли йўналишлари белгиланди.

## ХУЛОСА

1. Марказий Қизилқум худудининг замонавий геологик-геоморфологик тузулиши, тупроқ ва ўсимлик қоплами бошқа чўл худудларидан фарқ қилиши ўрганилди. Буғланиш миқдори ёғин миқдоридан юқори бўлганлиги учун деҳқончилик сунъий суғориш асосида амалга оширилиши белгиланди. Худудда чўл-яйловлардан мавсумий фойдаланиш, чўлни хўжалик жиҳатдан ўзлаштириш, чорвачилик соҳаларини йил давомида озуқа билан таъминлаш сув ва атмосфера ёғинларига боғлиқлиги аниқланди.

2. Марказий Қизилқум худудида атмосфера ёғинларининг йиллик миқдори типик чўл зонасига хос бўлиб, унинг ўртача йиллик миқдори 108-138 мм атрофида бўлиши аниқланди. Уларнинг йиллик кўрсаткичи ғарбдан унинг шарқий қисми томон ортиб боради. Сув йиғилувчи ҳавзаларнинг рельефи ва майдони, тупроқ қопламининг намлиги, механик таркиби ва сув ўтказувчанлик хусусияти ҳамда ёмғирларнинг миқдори ва интенсивлиги вақтинча оқар сув миқдорини белгиловчи омиллар деб белгиланди. Атмосфера ёғинлари туфайли ҳосил бўладиган вақинча оқар сувлардан оқилона фойдаланиш бўйича илмий географик тавсиялар ишлаб чиқиш талаб этилади.

3. Марказий Қизилқумда ер ости сувларининг захираси жами 836,37 минг  $\text{м}^3$  /сут. ни ташкил этади, шундан тасдиқлангани 516,79 минг  $\text{м}^3$  /сут. тенг. Ботиқлардаги артезиан сувлардан чорвачиликда, яйловларни сув билан таъминлашда, маҳсулдорлигини оширишда ҳамда полиз экинларини етиштиришда фойдаланишни йўлга қўйиш.

4. Марказий Қизилқумда вақтинча оқар сувлар йиғилишининг табиий-географик асосларини ишлаб чиқишда рельеф пластика картаси муҳим аҳамият касб этди. Марказий Қизилқумнинг рельеф пластикаси картасида баландлик ва пастликлар маълум бир геометрик шаклларни ҳосил қилган ҳолда тасвирланди. Бу карта рельеф билан бошқа компонентлар ўртасидаги узвий боғлиқликни ўрганишда ва вақтинча оқар сув ҳавзаларининг чегарасини аниқлашда йирик масшабли топографик карта (масштаб 1: 100 000) асос бўлиб хизмат қилди.

5. Марказий Қизилқумда вақтинча оқар сувлар ҳосил қиладиган ёғинлар 1 йилда ўртача 3-8 маротаба руй беради. Агар ўрта кумоқли тупроқ намлиги 10,7% бўлса, 270  $\text{км}^2$  майдонда 518 минг  $\text{м}^3$  сув йиғилиши ва шу шароитда ёғин тезлиги минутига 0,1 мм бўлса, 1296 минг  $\text{м}^3$  вақтинча оқар сув ҳосил бўлиши Алюшинский методи бўйича ҳисоблаб чиқилди.

6. Рельеф пластикаси картаси асосида ҳавза геотизимларини районлаштириш амалга оширилди. Марказий Қизилқумда вақтинча оқар сувларнинг йиғилишига кўра учта: Вақтинча оқар сувлар оқими мавжуд бўлмаган; вақтинча оқар сувлар бир тарафлама қиялик асосида йиғилувчи; вақтинча оқар сувлар икки тарафлама қиялик асосида йиғилувчи районларга



бўлинди. Бунда ҳавзавий усулнинг ўрни алоҳида қайд этилди. Ҳар бир район бир–биридан рельефнинг таркибий қисмлари бўлган морфологик бирликларнинг (ёнбағир, тепалик, пастлик ва бошқалар) табиий шароити, сувлари, ўсимлиги ва тупроқларининг механик таркиби, физик – кимёвий хусусиятлари ва бошқа кўрсаткичлари билан фарқ қилиши кўрсатиб берилди.

7. Чўлланишга қарши курашда чўл зонасини сув билан таъминлашнинг ягона манбаси бўлган атмосфера ёғинларидан асосан, текисликлардаги гилли сув йиғилувчи тақир ландшафтларида, паст тоғларда ва тоғ олди текисликларида фойдаланиш ҳамда уларни йиғишда, сақлашда ва рационал фойдаланишни ҳавза элементларини шаклланиш, транзит ва аккумуляция зоналарини аниқлаш асосида такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

8. Вақтинча оқар сувларни йиғиш (сув йиғилувчи ҳавзалар ва сув омборлари), сақлаш (очиқ ва ёпиқ ҳолатдаги гидротехник иншоотлар) ва рационал фойдаланиш (суғориш ва сув билан таъминлаш) ҳудудда маҳаллий аҳолини экологик турмуш даражасини яхшилаш ва сифатли тоза ичимлик суви билан таъминлаш имконини беради.

9. Марказий Қизилқум тоғ олди текисликларида маҳаллий сув манбаларидан фойдаланиб, лиман ва локал суғориш тизимини такомиллаштириш орқали 2 минг гектардан 5 минг гектаргача бўлган унумдор ерларни ўзлаштириш лозим.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.27.06.2017.G.01.06  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

---

**БУХАРСКИЙ ФИЛИАЛ ТАШКЕНТСКОГО ИНСТИТУТА  
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ  
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**ТУХТАЕВА ХАБИБА ТАШЕВНА**

**БОРЬБА С ОПУСТЫНИВАНИЕМ ПУТЕМ РАЦИОНАЛЬНОГО  
ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МЕСТНЫХ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ  
(на примере Центрального Кызылкума)**

**11.00.05 – Охрана окружающей среды и рациональное использование природных  
ресурсов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.1.PhD/Gr44.**

Диссертация выполнена в Бухарском филиале Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([nauka@nuu.uz](mailto:nauka@nuu.uz)) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный консультант:** **Сабитова Наила Исмаиловна**  
доктор географических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Чембарисов Эльмир Исмаилович**  
доктор географических наук

**Назаров Абдугаффар Абдумажидович**  
кандидат географических наук, доцент

**Ведущая организация:** **Каракалпакский Государственный университет**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 г. в \_\_\_ часов на заседании разового Научного совета DSc.27.06.2017.G.01.06. при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская 4. Тел.: (99871)227-12-24, факс:(99824) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: [ik-geografiya.nuuz@mail.ru](mailto:ik-geografiya.nuuz@mail.ru). Национальный университет Узбекистана, факультет Географии и природных ресурсов.

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован за № \_\_\_\_). Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 4. Национальный университет Узбекистана.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года.)

**О.Б.Ага-Мирзаев**  
Председатель разового Научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
д.г.н., профессор

**Ш.М.Шарипов**  
Учёный секретарь разового научного совета по  
присуждению ученых степеней, к.г.н., доцент

**А.А.Каюмов**  
Председатель научного семинара при разовом  
Научном совете по присуждению ученых степеней,  
д.г.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** С увеличением населения мира растет и спрос на водные ресурсы, которое указывает на важность методов управления водными ресурсами и водопользованием. «Страны региона должны осознавать экологические проблемы, стоящие перед ними, и должны уделять особое внимание рациональному водопользованию, сокращению использования воды за счет рационального и эффективного использования водных ресурсов»<sup>1</sup>. Это требует совершенствования методов рационального использования водных ресурсов и их охраны, борьбы с опустыниванием основываясь на результаты научных исследований, особенно в засушливых регионах Узбекистана где находятся основные орошаемые земли, в частности, и.

Борьба с процессами опустынивания, происходящими в засушливых регионах мира, иногда требует смягчения процессов засухи, оптимизации экологического состояния пустынных геосистем, создания научных основ защиты природы и устойчивого экономического развития. В засушливых районах мира, в процессе проведения физико-географических исследований, особое внимание уделяется вопросам рационального использования местных водных ресурсов и развитию орошаемого земледелия.

В стране был достиг ряд успехов в деле понижения уровня опустынивания, сохранения растительного покрова, дефляции в песчаных пустынях, водной эрозии, засоления Аральского моря и орошаемых земель, антропогенного опустынивания, в повышении продуктивности пастбищ. В Стратегии действий Республики Узбекистан, по пяти приоритетным направлениям развития в качестве важных задач обозначены «предотвращение экологических проблем связанных со здоровьем и генетическим фондом населения, окружающей природной средой, улучшение снабжения его питьевой водой в сельских районах путем постепенного внедрения экономических и эффективных технологий...».<sup>2</sup> В этой связи совершенствование методов накопления, хранения и использования местных водных ресурсов в Центральном Кызылкуме и предупреждение экологических проблем, таких как опустынивание, имеют важное научно-практическое значение.

Диссертационное исследование а определенной степени служит осуществлению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О Стратегии развития Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, «по дальнейшему развитию стратегии развития Республики Узбекистан на 2017-2021гг», о пяти приоритетных стратегий в «Развития социальной сферы», указ Президента Республики Узбекистан УП-

---

<sup>1</sup> <http://www.unde.uz/registry@undr.org>

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии развития Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 г. УП-4947. <http://lex.uz/pages/getpage.aspx?last id=3107036>

3405 « о Государственной программе по развитию ирригации и улучшения мелиоративного состояния орошаемых земель в в 2018-2019 годах» от 27 ноября 2017 года, а также других норматив документы, являются основой исследования данного работы.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Это исследование проводилось в соответствии с приоритетами национального развития науки и техники V. «Сельскохозяйственная биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

**Степень изученности проблемы.** Научно-методологические основы изучения пустынных геосистем и их экологических проблем рассматриваются в работах многих известных зарубежных учёных (В.Вайсман, Ф.Пирс, М.Гланц, Ж.Ниул, Р.Фергюсон, Ю.Шуттер, Л.Перейра, Д.Кайзер, Т.Сайко, С.Брук, Д.Кашера, И.Кобори), также ученых стран СНГ (А.Обревиль, А.Б.Бабаев, В.А.Ковда, Б.Г.Розанов, Т.Н.Нечаева, В.Кунин).

Изучение геоэкологические и теоретическо-методологические вопросы Кызылкума даны в работах Л.Н.Бабушкина, Н.А.Когай, Э.Д.Мамедова, М.П.Петрова, Л.Алибекова, М.Маматкулова, А.А.Рафикова, А.А.Абдулкасимова, А.Н.Нигматова, С.Б.Аббасова, Н.Р.Хамраева, Ю.М.Денисова, С.А.Азимбаева, Л.П.Пейдо, П.Н. Гуламова, И.К.Назарова, Н.И. Сабитовой, Б.А.Бахритдинова, В.А.Рафикова и других ученых.

В Центральном Кызылкуме проведено много научных работ по использованию природных ресурсов, но научные работы по исследования местных водных ресурсов и вопросов опустынивания еще не проводились.

Однако большинство вышеперечисленных исследований выполнены в русле плановой экономики, которые не отвечают сегодняшним требованиям с точки зрения увеличения спроса на водные источники. Следовательно, в работе рассматриваются территории и их, подверженные опустыниванию и их водные ресурсы, что является отличительной чертой данного исследования.

**Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного и научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация.** Диссертационное исследование проводилось по плану Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства, по плану научно-исследовательского Института Ирригации и водных проблем по теме №11.2.8 «Борьба с опустыниванием земель путем рационального использования местных водных ресурсов (на примере Кызылкумом)» (2002-2007гг.), выданный Департаментом сельского хозяйства США UB-ARS- 11B-2002 «Мобилизация местных водных ресурсов пустынь для развития локального орошения» (2002-2006 гг.), по теме Института Сейсмологии Академии наук, план исследований ФА-А7-Т041 «Создание карты

опустынивания аридной зоны и обеспечение экологической безопасности страны, в качестве меры по предотвращению опустынивания» (2015-2017гг.).

**Целью исследования** является научная разработка предложений и рекомендаций по рациональному использованию местных водных ресурсов в борьбе с опустыниванием в Центральных Кызылкума.

**Задачи исследования:**

